

Кўпинча фермер ўрик ва олма уруғларини қалин қилиб экади ва майдон бирлигидан кўпроқ кўчат олади. Бунда ўрик учун 90x20x15 ва олма учун 70x15x15 см схемаларидан фойдаланади.

Сатликов Байрамдурдига оила аъзолари ва фарзандлари катта ёрдам беради. Ўғли Юнус мактаб ўқувчиси бўлишига қарамасдан кунига пайвандаш мавсуми даврида ўртача 1000-1200 куртакни пайванд қила олади.

Кўчатзорда ҳамма агротехник тадбирлар – суғориш, озиклантириш ўз пайтида бажарилади ва шунинг учун ҳам юқори сифатли кўчатлар етиштирилади. Хўжалик йилига ҳар хил мевали экин турларидан 25 000 – 27 000 стандарт кўчатлар тайёрлайди.

У етиштирган кўчатларга нафақат Қорақалпоғистон Республикасида балки қўшни вилоятларда ҳам талаб жуда юқори.

Сатликов Байрамдурди шу йўл билан Республикамизда боғдорчиликни ривожланти – ришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.



Мева кўчатзориди уруғларни ёғоч қитиғи билан мулчалаш



Мева кўчатзорининг иккинчи даласи

Ушбу буклет **Bioversity International** қўмағидаги “Марказий Осиёнинг қурғоқчилик ҳудудлари бўйича (CRP1.1.) CGIAR тадқиқотлар режаси доирасида мўътадил иқлим мева экинларининг юқори сифатли кўчатлари билан фермерларни таъминлаш учун уруғчилик системаси платформасини яратиш” лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва муҳозаалар учун контактлар:

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ЎИТИ)

Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника қишлоғи.

Тел.: (+998-90) 987-79-05

Эл. почта: uzripi@yandex.com

Тузувчилар: К.И.Байметов, П.Т. Назаров
М.К.Турдиева ва К.И.Байметовлар умумий таҳрири остида.



RESEARCH
PROGRAM ON
Dryland Systems



Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Сифатли мева экинлари кўчатларини етиштиришда фермерларнинг анъанавий усуллари



Сатликов Байрамдурди
Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл
тумани Шўраҳон қишлоғи, “Азизхон
Шойимардон” фермер хўжалиғи

Тошкент – 2015

Сатликов Байрамдурди мевали экинларни кўпайтиришга, кўчатзор ташкил этишга ёшлик давридан қизиқиб, кўчатчилик сирларини отаси Сатликов Курбонбой акадан ўрганган. Тўрткўлдаги қишлоқ хўжалик техникумини тамомлагандан сўнг, у фақат мевали экинларнинг истиқболли навларини кўпайтириш ва фермер хўжаликларига тарқатиш билан шуғулланиб келмоқда.



Мева кўчатзориди уруғларни ёғоч қипиғи билан мулчалаш

Кўчатзорнинг майдони 1.2 га бўлиб, фермер олма, ноқ, ўрик, узум, шафтоли, олхўри ва бошқа мевали экинлар кўчатларини етиштирмоқда. Олманинг маҳаллий навларидан Ёзги Хазарасп, Қишки Хазарасп, Қанд олма, Майский ва интродукция қилинган Голден Делишес, Ренет Симиренко; ўрикнинг Майский, Нуқул, Ирис, Кузги, Оқ ўрик, Шафтолисимон; шафтолининг Сарик нектарин, Қизил нектарин, Анжир шафтоли, Кузги шафтоли; олхўрининг Исполинская, Кузги ва Майский навларини кўпайтирмоқда.

Кўчатзориди тавсия этилган ҳамма бўлимлар мавжуд бўлиб, асосий агротехник тадбирлар илмий асосда олиб борилади. Кўчатзорнинг биринчи даласига уруғ ва данаклар экилади ва пайванд қилинади. Иккинчи даласида эса кўчатлар етиштирилади.

Хўжалиқда пайванд учун қаламчалар она дарахтлардан олинади ва уларнинг нав тозалиги сақланиб турилади. Уруғлар она уруғли дарахтлардан тайёрланади. Она дарахтларнинг ҳолатига катта эътибор берилади. Уларни кесиш, шакл бериш, озиклантириш ва касал ва зараркундаларга қарши курашишлари мунтазам равишда амалга оширилади.



Сатликов Байрамдурди оила аъзолари билан

Фермер пайвандак учун уруғларини фақат маҳаллий шароитда ўсаятган дарахтлардан олади. Унинг фикрича улар маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитларига яхши мослашган. Ўрик учун маҳаллий данаги майда, кеч пишар, хасаки шакллардан фойдаланади. Бошқа экин турлари учун ҳам шу қоидага риоя қилинади.

Хўжалик ери маълум даражада шўрланганлиги учун мева кўчатзорининг биринчи даласи сифатли қилиб шўри ювилади. Бу катта самара бериб, кўчатларнинг нормал ўсиш ва ривожланишига олиб келади.

Кўп йиллик тажрибаларга суяниб, фермер уруғларни алоҳида стратификация қилмасдан тўғридан тўғри кўчатзорнинг биринчи даласига экади ва уруғлар стратификация даврини табиий шароитда ўтади. Уруғлар экилган сўнг улар ёғоч қипиғи билан мулчалаб қўйилади ва нам яхши сақланади. Бу ўз навбатида уруғларни униб чиқиш даражасининг юқори бўлишини (90-95%) таъминлайди.



Мева кўчатзориди фермерлар билан тажриба алмашиш

Фермернинг фикрича шафтолини ўрикка пайванд қилинса, шафтоли қурғоқчиликка чидамлилиги ошади ва яшаш даври узаяди, ташқи ноқулай шароитларга анча чидамлироқ бўлади.